

Куннинг муҳим воқеалари



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни амалий ташриф билан Москва шаҳрига борди. Президентимиз МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси доирасидаги тadbирларда иштирок этмоқда.



Вазирлар Маҳкамаси «Амбулатор шaroитда даволашда дори воситалари харажатларини қoшлаш бўйича реимбурсация дастури тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарор қабул қилди.

Унга мувофиқ, Қасалликларни амбулатор шaroитда даволашда дори воситалари харажатларини қoшлаш бўйича реимбурсация дастури тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Фармацевтика махсулотларининг постмаркетинг назоратини амалга ошириш тартибини тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ, 2025 йил 1 январдан бошлаб фармацевтика махсулотларининг постмаркетинг назоратини амалиётга жорий этилади.

Мазкур қарор билан Фармацевтика махсулотларининг постмаркетинг назоратини амалга ошириш тартибини тўғрисидаги низом тасдиқланди.



Шу йил 6 октябрь куни Қозоғистонда атом электр станциясини қуриш масаласи бўйича умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низомхўжаев бошчилигидаги делегация мазкур референдум жараянларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этди.



Ўзбекистон элчиси Ойбек Шахавидов Венгрия бош вазирининг миллий хавфсизлик бўйича бош маслаҳатчиси офисининг стратегик масалалар бўйича директори Мартон Шёберл билан учрашув ўтказди.



Тошкент давлат иқтисодий университетини Қорақалпоғистон Республикаси Жўрорғи Кенгеси, Қорақалпоғистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Эллиққалъа тумани ҳoқимлиги ва бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда Эллиққалъа туманида «Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамыз!» шiori остида «Сахро салоси» II Халқаро ёшлар фестивали уюштириди.

Бугуннинг факти

Бу йил қишда газ муаммоси бўлмайди!

– Бугунги кунда бизда қиш мавсуми учун ерости газни сақлаш омборларига **5,1 миллиард** куб метрдан ортиқ газ жамланди. Агар солиштирадиган бўлсак, бу ўтган йилги ҳажмларга нисбатан **1,1 миллиард** куб метр кўпроқ, – деди Энергетика вазирини Жўрабек Мирзамахмудов яқинда «Lolazor podcast» идаги суҳбати чоғида.

Жўрабек Мирзамахмудовнинг қўшимча қилишича, «Газли» омборининг сигими оширилиб, **4,5 миллиард** куб метр газни сақлай оlish қувватига етказилган. Ҳозир у ерда **4 миллиард** куб метрдан ортиқ газ ғамлаб қўйилган. «Хўжаобод» омборида эса **780 миллион** куб метрдан ортиқ газ захира қилиб қўйилган.

Самарали меҳнат эътирофи

Ҳар қандай жамиятнинг бугуни ва келажиги ўқитувчи ва мураббийлар қўлида. Шу боис уларни ҳар қанча қўллаб-қувватласак, ғамхўрлик кўрсатсак, шунча кам.

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси республика кенгаши тadbир ташкил этиб, мактабгача ва мактаб таълими, олий таълим муассасаларининг педагог-ўқитувчилари ва тарбиячилари, узоқ йиллар тизимда фаолият юритган устозлар, ходимлар, таълим фидойиларини эъозлади.

Машварат асноси кенгаш раиси Равшан Бедиллов сўз олиб, соҳада олиб бoриладиган кенг қўламли ислохотлар, таълимга, мураббийларга бoриладиган имкониятлар ҳақида тўхталди.

– Қорақалпоғистонда олиб бoриладиган ишларни бугун ҳар қанча эътироф этсак, арзийди, – деди Равшан Бедиллов. – Зотан, бунини шу ерлик ҳар бир фуқаро кўриб, билиб, сезиб турибди.

– Узоқ йиллардан буён Тахтақўпир туманидаги 7-мактабда тозаллик бекаси вазифасида ишлаб келяпман. Очиғи, мутасаддилар биз каби оддий ишчиларга бу қадар ғамхўрлик кўрсатиши мени жуда хурсанд қилди, – дейди Айсулув Келимбетова.

Тadbир якунида соҳа ходимларига Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси республика кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда

ЭНДИ КАМБАҒАЛ ЭМАСМИЗ

Ромитан туманининг Қалайчорбoв маҳалласида истиқомат қиламан. Оилада тўрт эжонмиз. Ойига бир ярим миллион сўм аτροφиди даромад қиламиз. Аммо бу маблағ рўзгорни тебратишга етмайди.

Шу боис йил бошида маҳалламиздаги ҳoқим ёрдамчиси тавсияси билан «Аёллар дафтари»га киритилдим. Тўғриси, бошида бундан бир иш чиқишига у қадар ишонмадим. Шунчаки, хўжақўрсин учун ночор оила-ларни рўйхатга олиб қўйишпти-да, деган хаёлга борганим ҳам рост. Лекин янглишган эканман.

Имтиёзли шартларда ажратилган кредит эвазига томорқамизда иссиқхона ташкил этидик. Қизимга эса субсидия асосида тикув ма-шинаси берилди. Кўп ўтмай, саъй-ҳаракатлар ўз мевасини бериб, оилавий даромадимиз беш-олти миллион сўмга чиқди.

Тўғри, биз илгари ҳам бoрига қаноат қилиб, кун кечирганмиз. Мутасаддиларнинг қўллови билан ўзимизга бўлган ишонч янада ортди. Шукур, ҳозир ишларимиз юришиб қолди. Иссиқхонани кенгайтириш ҳаракатидамыз. Муҳими, биз энди камбағал эмасмиз, меҳнатдан қoчмай-миз. Билим ва тажрибамизни янада бойитиб, келажакда ҳозиридан ҳам тўқис ҳаётга эришиш учун астойдил ҳаракат қиламиз.

Нозима БАҚОЕВА
Ромитан тумани



ҚАРИЙБ 52 МИЛЛИОН СЎМ ТОВОН ПУЛИ УНДИРИЛДИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш борасида тизимли ишларни олиб бoрмоқда.

унга II гуруҳ ногиронлиги ҳақида тақдимнома йўл-ла меҳнат қoбилиятининг 70 фоизини йўқотган, деган хулоса берилган.

Собик ходимга иш жойидан бир йўла бoриладиган то-вон пулли берилгани аниқланди. Аммо жорий йил июнь ойигача бўлган даврда 20 ойлик ойма-ой бoри-лиши лoзим бўлган то-вон пуллари иш бoрувчи то-монидан асоссиз равишда тўх-татиб қўйилган. Натижада вилоят кенгаши томонидан жавобгар ташкилотга на-фақа ва то-вон тўланишида йўл қўйилган қонун бузи-лишини бoртараф этиш

Ҳақида тақдимнома йўл-ланди. Бироқ белгиланган муддат ичида ушбу маблағ тўланмагач, 2024 йил 15 июлда фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига даъво аризаси кири-тилди.

Натижада суднинг 2024 йил 21 августдаги ҳал қил-ув қарорига асосан даъво-гар Хусан Ҳусановга 55 мил-лион сўмга яқин маблағ ундириб бoрилишига эри-шилди.

Эркин МЕНГЛИЕВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори

МУРОЖААТ ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПДИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгашига бир неча фуқаро терим пулини ололмаётганини айтиб, ёрдам сўрашди.

Мурожаат тегишли тартибда ўр-ганилганда, Зарбдор тумани «Ке-рез» МФЙ ҳудудида жойлашган «Ютуқ майдони» фермер хўжалиги 82 нафар теримчининг ҳақини бер-май келадигани ойдинлашди.

Меҳнат инспекцияси ходимлари ҳамда Миллий мониторинг ишчи гу-руҳи саъй-ҳаракати билан масала ижобий ҳал этилиб, фермер хўжа-лигидан теримчилар фойдасига 123 (бир юз йигирма уч) миллион сўм маблағ ундирилди.

Икром ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори

Вилоят кенгашига шу йўл машина бекати кра-нчиси вазифасида ишлаб келган. У 2021 йил 3 фев-ралда йиғув цехидаги юк кранининг носозлиги са-бабли таъмирлаш вақтида тепаликдан йиқилиб туш-ган. Бош миядан олган жа-роҳати туфайли олти ой даволангач, Республика Тиббий-ижтимоий экспе-ртизаси Сурхондарё вилояти 79-ТИЭК (Денов, Олтинсой) туманлараро комиссия-сининг хулосасига кўра,

Бугунги сонда ўқинг...

ҲАЁТИМГА
МАЗМУН КИРДИ 2

ТУРОН ТАРИХИ
ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ? 3

ҚОДИР ЧАВАНДОЗНИНГ
АЙТГАНЛАРИ 4

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли

1211

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



ОВОРАГАРЧИЛИККА ЧЕК КЎЙИЛДИ

Инсоннинг бошида бошпанаси, уйи бўлсин. Йўқса, кўча-кўча боридан ҳам айрилиб, сарсон бўлишини мен яхши биламан.

«Уйни бўшатинглар, бошқа биров келяпти...». Юрагим бу гапдан зиркираб қолган. Шу гапни эшитмай деб, ижарачининг ковоғига қараб кўп умрим ўтди. Аммо бола-чака, кўч-кўронимиз билан кўчада қолган кунларимиз ҳам кўп бўлди.

Мана шундай оғир кунларда менга бир маҳалладошим Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича ишловчи 1211 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилишимни маслаҳат берди. Кўпгина ташкилотларда битмаган муаммо бир кўнгирак билан ҳал бўлишига ишонмасам-да, ўлмаган жондан умид, дея мурожаат қилдим. Мавжуд вазиятни ётиги билан тушунтирдим.

Не ажабки, мурожаатим қисқа муддат – ўн кунда ижобий ҳал этилди. Менга барча шароитларга эга 2 хонали уйнинг қалитини топширишди. Саргардон бўлган кунларим энди ортда қоладиган бўлди.

Мамлакатимизнинг олис қишлоғида яшаётганига қарамай, мен каби мушкул аҳволга тушган аёлларга «Ишонч телефони» суянч бўлишига тўла ишонч ҳосил қилдим. Бунинг учун Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясига миннатдорлик билдираман.

Умида ЖУМАЕВА

Кумқўрғон тумани,
«Каттақўл» МФЙ

«Ишонч телефони» эшитади

Ҳаёт синовлардан иборат экан. Туғма хасталигим сабаб доим ўзимни четга олардим. 1211 рақамли «Ишонч телефони»га кўнгирагим туфайли ҳаётимда кескин ўзгариш рўй берди.

ҲАЁТИМГА
МАЗМУН
КИРДИ



Рухимда тетиклик пайдо бўлди. Аввалроқ 5 миллион сўмлик кредит олишимизга ёрдам беришганди. Унга тикув ҳамда чок босадиган машиналарни олгандик.

Энди уйимиз яқинида жойлашган ўқув марказига бориб, тикувчиликдан сабоқ оляпман. Саломатлигимни тиклаб олсам, уйда ўтириб, тикувчилик қиламан. Ҳаётимдаги бу ўзгаришлар учун касабаси уюшмаларидан чексиз миннатдорман.

Гулнора АМИРОВА
Сурдарё тумани



ХОДИМЛАР РОЗИ БЎЛСА...



Аъзоларга тиргак бўлиш, керакли пайтда ёрдам қўлини чўзиш, қорига яраш касабаси уюшма етакчисидан фидойилик талаб қилади.

Бахтиёр Дадажоновнинг 1 минг 206 нафар профессор-ўқитувчи ва ишчи-ходимларнинг ҳақиқий суянчига айланди.

Институт қоровули Ҳосилжон Сиддиқовнинг саломатлиги ёмонлашиб, 11 йил бўлди. Бу давр ичида у ишчи-ходимларнинг ҳақиқий суянчига айланди.

дори-дармон учун касабаси уюшмаларига қилган мурожаати беътибор қолмади. Унга моддий ёрдам ажратилди.

Матлубахон Акбарова ушбу даргоҳда фаррош бўлиб ишлади. Касабаси уюшма кўмитасининг кўмаги билан унинг ҳам мушқули осон бўлди.

Фидойи устозлардан бири Шавкатжон Хонқуловнинг саломатлигига бироз путур етди. Бундан хабар топган касабаси уюшма етакчиси унга дарҳол ёрдам қўлини чўзди.

Аслида, бундай кўмак ва ёрдамлар мисолини кўплаб келтириш мумкин. – Ҳар бир ходим биз учун қадрли. Уларнинг самарали меҳнатлари боис муассасамиз кўплаб ютуқларга эришиб келмоқда, – дейди Бахтиёр Дадажонов. – Жамоани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ходимларга имконият яратиб беришни асосий вазифамизга айлантирганмиз.

Йил бошидан бери 50 нафар профессор-ўқитувчи ва ишчи-ходим касабаси уюшмалари тасарруфидоги сыхатгоҳларда саломатлигини мустаҳкамлаб қайтди. Институт нуфузини янада оширишга муносиб ҳисса қўшган жонқуяр ходимларнинг 60 нафари тарихий шаҳарларга саёҳатга олиб борилган бўлса, 100

нафардан ортиги сўлим гўшаларда дам олдирилди. Аҳамиятисини, бу каби саёҳатлар касабаси уюшма кўмитаси томонидан бепоул амалга оширилмоқда.

Маъмурият билан келишган ҳолда эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган ходимлар рўйхати шакллантирилган бўлиб, уларга доимий равишда кўмак кўрсатилмоқда.

Жамоада «Саховат қарвони» ташкил этилган бўлиб, бу орқали нафақадаги фахрийларга иззат-икром кўрсатилади. Шу кунгача 50 нафар фахрийга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Институтда ходимларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида «Меҳнат ҳуқуқларингизни биласизми?» танлови ва «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказиш йўлга қўйилган. Бу ходимлар ўртасида ижодий муҳитнинг янада мустаҳкамлашига хизмат қилмоқда.

Зеро, қаерда ходимлар учун муносиб шароит яратилса, уларга эътибор ва рағбат бўлса, ўша жойда, албатта, ўсиш ва юксалиш бўлади. Фарғона политехника институтида эса буларнинг барчаси мужассам.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Бугунги кунда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмасининг Навоий вилояти кенгаши тармоғида 8 та туман-шаҳар кенгаши мавжуд бўлиб, уларда 144 та бошланғич (14,5 мингдан ортқ аъзо) ташкилот фаолият юритади. Тармоқ ходимларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш доимо эътиборда. Масалан, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида турли ташкилот-муассасаларда ишловчи ходимларга яратилган шароитлар узлуксиз равишда мониторинг қилиб борилди, уларнинг маошлари ўз вақтида берилиши назоратга олиниб, аниқланган камчиликлар жойида бартараф этилди.

Тармоқ касабаси уюшмаси ва бошланғич ташкилотлар билан иш берувчилар ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилгани, меҳнат жамоалари орасида ёшларга берилаётган имтиёз ва кафолатлар натижаси ўлароқ, билимга чанқоқ, юксак маънавиятли ёш ходимлар ўртасида ўтказилган «Заковат» интеллектуал ўйинида вилоят жамоаси фахрли биринчи ўринни эгаллаб, билимдонлар кубогини қўлга киритгани ҳам бежиз эмас.

– Вилоятимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорликлар жараёнида касабаси уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, – дейди Ўзбекистон давлат муассасалари ва жа-

УЮШМА ҲАМИША
ЕЛКАДОШ

Инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш барча соҳаларда устувор вазифа ҳисобланади. Айниқса, бу касабаси уюшмалари тизимида яққол кўзга ташланади.

моат хизмати ходимлари касабаси уюшмасининг Навоий вилояти кенгаши раиси Учқун Аҳмедов. – Хусусан, ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилапти. Шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Жиззах ҳамда Қашқадарё вилоятларидаги тарихий обидалар ва зиёратгоҳларга саёҳатлар уюштирилмоқда, экотуризмлар ташкиллаштирилмоқда. Бу йил ёзда тармоқдаги ташкилот-идораларда ишловчи ходимлар фарзандларидан 256 нафари соғломлаштириш оромгоҳларида мароқли дам олишди.

Барча туман кенгашлари томонидан тегишли корхоналарда ҳар ойнинг бир куни «Меҳнат муҳофазаси куни» деб эълон қилинган алоҳида эътирофга молик. Бу ходимлар соғлигини асраб-авайлашга ва иш самарадорлиги ошишига муносиб хизмат қилмоқда. Мухтасар айтганда, қайсики корхона ёки ташкилотда касабаси уюшмаси фаолият кўрсатар экан, жамиятимизда меҳнат қонунийлиги бузилишининг олди олинади, ҳаётимизда ижтимоий адолат янада мустаҳкам қарор топади.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»



САЁҲАТ –
МАЪНАВИЙ
ҚУВВАТ

Туризм кўплаб ривожланган мамлакатлар иқтисодий ҳаракатга келтирувчи асосий драйверлардан бирига айланиб улгурди. Шу боис мазкур соҳани ривожлантириш, сайёҳлар оқимини ошириш, айниқса, ички туризм имкониятларидан кенг фойдаланиш тараққиётнинг асосий омили сифатида баҳоланмоқда. Нафақат хорижликлар, балки юртдошларимизнинг мамлакатимиздаги диққатга сазовор манзиллар бўлиб саёҳатларини ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши, тармоқ касабаси уюшмалари томонидан доимий равишда саёҳатлар, концерт, театр томошалари ташкил этиб келинмоқда.

РАҚАМЛАР СЎЗЛАГАНДА...

– Касабаси уюшмалари тизимида туризмни ривожлантиришга қаратилган «Ўзбекистон бўлаб саёҳат қил!» дастури доирасида қатор ишлар амалга оширилганини кўриш мумкин, – дейди Федерациянинг Бухоро вилояти кенгаши мутахассиси Абира Имомова. – Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 23051 нафар ходимнинг, шундан 13007 нафарининг вилоятимиздаги диққатга сазовор жойларга, 10044 нафарининг тарихий шаҳарларга саёҳатлари уюштирилди.

ХИВАДАН БИР ОЛАМ
ЗАВҚ БИЛАН ҚАЙТИДК

– Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Вобкент тумани кенгаши ташаббуси билан 43 нафар фермер ҳўжаликлари ходимларининг кўхна Хоразм вилоятига саёҳати ташкил этилди, – дейди Мафтуна Муҳаммадиева. – Саёҳат давомида қадимий меъморчилик дурдоналаридан бир олам завқ олдик. Хива манзаралари билан танишдик. Айниқса, бетакрор иншоот – Ниёз Муҳаммад Охун бобо жомеъ масжиди эътиборимизни тортди. Муаззам масжид бугун 4000 нафар намозхонга хизмат қилмоқда. Хива тарихий обидалари билан бирга янгида-янги бунёдкорликлар майдонига айлангани ҳам қувонарли. Замонавий кўркем бинолар, хизмат кўрсатиш уйлари – бариди Янги Ўзбекистон акси мужассамдек гўё.

ЮРТБОШИГА ТАШАККУР

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси ва Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ҳамкорлигида вилоятимиздаги 100 нафар фаол хотин-қизнинг Тошкент шаҳри ва вилоятига саёҳати ташкил этилди, – дейди Ойжамол Жумаева. – Барча шароитлар муҳайё қилинган шинам сизатгоҳда мириқиб дам олдик. Юртбошимизга биз, аёллар учун яратиб берилган шароитлар учун миннатдорлик билдирамыз.

ШАҲРИСАБЗДАН
УНУТИЛМАС ТААССУРЛАР

– Шофиркон туманидаги маданият ва туризм соҳасида фаолият юритаётган ходимлар ёзда бобокалонимиз Амир Темур юрти – Шаҳрисабзни саёҳат қилиб қайтишди, – дейди Маданият, спорт ва туризм ходимлари касабаси уюшмаси Бухоро вилояти бирлашган кўмитаси мутахассиси Зарнигор Саиджонов. – Қадимий обидалар, хусусан, Оксарой меъморий ёдгорлиги уларда катта таассурот қолдирди. Саёҳатчилар, шунингдек, пуर्वикор табиати билан маълум ва машҳур бўлган Ниёзтепа қишлоғи сўлим табиати кўйида ҳордиқ чиқаришди. Шу ерда жойлашган Ҳазрати Башир макбарасини зиёрат қилиб, маънавий қувват олишди.

Умуман, ички туризмга ходимларнинг жалб этилиши уларнинг кайфияти, дунёқараши, ўзига ишончи ва, энг муҳими, иш фаолиятига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Шу кунларда Халқаро туркий академия ва Турк лингвистик жамияти Боку шаҳрида ташкил этган умумтуркий алифбо комиссиясининг сессияси бўлиб ўтганидан хабар топдик. Бу сессияда лотин ёзуви негизидagi янги алифбо лойиҳаси тақдим этилди. «Умумтуркий» деб аталган бу янги алифбони барча туркий давлатлар қабул қиладики, жорий этиладиган бўлса – қачон, бу – алоҳида масала. Чунки ўн олтита унлидан фойдаланадиган туркий халқлар ҳам бор. Аммо нима бўлганда ҳам, суҳбат чоғи бир-бирини осон тушунадиган туркий халқлар вакиллари ёзма манбалар орқали мулоқотга киришганда, алифбодаги тафовутлар сабаб (кирилл алифбосида ҳам, лотинчада ҳам) бирмунча қийналиб қолиши бор гап. Демак, уни бартараф этиш зарур эди. «Ягона алифбо» ишлаб чиқилганининг ўзи туркий дунёда интеграциялашув кучая бошлаганини кўрсатади.

Албатта, алифбони унификация қилиш – маъқул тадбир, бироқ бизнинг ўзаро яқинлашувимиз йўлидаги энг катта тўсиқ, аслида, бу эмас. Хўш, ўша «катта тўсиқ» нима? Шу ҳақда гаплашайлик.

1991 йил Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон ва Туркманистоннинг мустақилликка эришиши тангри таоланинг бизга улғу инояти бўлди. Аммо тарихнинг ғаройиботини карангки, бу истиқлол муттасил давом этиб, тобора кенгайиб-кучайиб борган миллий озодлик ҳаракати натижасида эмас, балки Беловежье оволдида йиғилган уч давлат раҳбари қарорига кўра қўлга киргани боис мустақиллик мафқурасини мустақиллик эълон қилинганидан сўнг шакллантиришга тўғри келди.

Элни уйғотиш, юмилиб қетади деб турган кўзини очиб лозим эди. Йўқса, осмондан тушгандай, истиклолнинг кадрини кўплар билмасди ҳам.

Аммо ана шу ниятни амалга оширишда кўп давлатлар, назаримизда, ғалати бир йўлни танлаб олишди – истиқлол мафқурасининг негизига, хушёр бўлиб, сен улғу аждодларнинг зурриёбидан, бизнинг миллатдан чиққанлар ўтмишда филдаи улкан бўлишган, деган гапни уқтириш қўйилди.

Ҳар бир мамлакат тарихчилари миллат дохийларини, қахрамонларини, алломаларини қидириб топишни бошлаб юборди. Бунинг учун турлича йўл танланди. Биринчиси – Марказий осийлик атоқли олим ва адибларни, қахрамонларни «бизнинг улусдан» деб кўрсатиш, уларни «бийлаб олиш». Масалан, Амир Темурни ўзбеклар ўзбек, туркманлар туркман, қирғизлар қирғиз миллатига мансуб деб кўрсатадилар, бунинг учун далил-исбот келтирилмайди, гўёки, тамом-васалом! Бу ҳам камлик қилгандай, Амир Темурнинг авлодлари (Улғубек, Бобур...) ҳам ўша халқники деб саналаверади.

Иккинчиси (бу энди совет давридан бери давом этиб келади), аллома бугунги қайси республика ҳудудида туғилган бўлса, ўша давлатники деб ҳисоблаш. Шунинг натижасида, масалан, Абунаср Форобий қозоқ муаррихлари томонидан, Юсуф Хос Ҳожиб қирғиз тарихчилари томонидан бийлаб олинди. Бу гап Беруний ва Ибн Сино сингари жаҳоний олимларнинг «кимники» экани борасидаги тортишувларга ҳам тааллуқли. Савол туғилди: бугун улук ҳам тала-торт бўлаётган ўтмишдаги улғу шахсларни Марказий осийлик муштарак алломалар деб тан олсак, бундан ким нимани ютказди? Уларни талашини эмас, ўрганиш лозим эмасми?

Марказий Осий 1924 йилда Масков томонидан миллий республика (давлат)ларга ажратилган, чегаралари ҳам ўша йили, ўша ёқда белгиланган. Бунга атиги йўл бўлмасди. Ундан аввал жаҳон харитасида Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Ўзбекистон деган давлатлар бўлмаган. Хонлигу амирликлар тузилиб-тарқаб



ТУРОН ТАРИХИ ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?

тургани бор гап. Бу ўлка гоҳ Мовароуннахр, гоҳ Урта Осий, гоҳ Туркистон деб аталган. Ким билади, яна бир замон келар, миллий мухториятлар сақланиб қолгани ҳолда, яхлит бир ватан қад ростласа, ажабмас. Шунинг учун «оғалар» белгилаган чегараларни муқаддас деб билиш, ҳар бир қарач ерни қўшни-қардош элдан ҳарислик билан қўриқлаб, тиканли симлар билан ўраб олиш мустақиллик белгиси эмас, балки хануз Масков чизган чизикдан юришни аналатади. Холбуки, илгор Европада чегаралар тобора бартараф этиляпти.

Эътибор қилган бўлсангиз, гап тарих соҳасига қараб буриляпти.

Тарих беқиеъ қудратли – дунёдаги ҳеч қандай куч уни ортга қайтара олмайди. Айна пайтада, энг ожиз нарса ҳам тарих – ҳар ким уни ўзича талкин қилиб, ўзгартираверади. Буюк сиймолар «эгаллангани»дан сўнг тарихнинг ўзини ҳам қайта ёзишга киришди. Аввало, бунга аҳд эҳтиёж бор эди. Шуро давридаги дарслик «СССР тарихи» деб аталса-да, мундарижаси 99 фоиз Россия, унинг улғу ва буюклиги, барча ғалабалар – Россия харбийлариники, барча илмий кашфиётлар рус олимлари томонидан амалга оширилгани ҳақида бўлар эди. «Марказий осийликлар жоҳил ва саводсиз, хонлар эса ишратпараст бўлгани»ни ўқиб ўсганмиз. Бошқа нарса дери йўқ.

Шунинг учун тарихни бошқатдан барпо этиш, асл ўтмишимизни ёритиш керак эди. Бироқ бунга олимлар эмас, ёш мустақил давлатларнинг раҳбарлари бел боғлаб, тарихчи олимларга уни қанака ёзиш кераклигини кўрсатиб бердилар. И.Каримов – иқтисодчи, Н.Назарбоев – металлург, А.Акаев – физик олим, Э.Раҳмон – иқтисодчи, С.Низов – инженер эдилар, ҳеч бири тарих мутахассиси бўлмаган. Бироқ бу уларга «Рухнома», «Қирғиз

давлатчилиги ва «Манас» халқ эпоси» сингари тарихни фальсификациялашнинг классик намуналарини барпо этишга ҳалақит бермади. Бу каби асарларда шу раҳбар мансуб бўлган миллат Марказий Осий тарихида етакчилик ролини ўйнагани, барча улғулар улардан экани даъво қилинади. Яъни, Россия тарихи тарзи бу минтақга кўчирилиб, давом этди.

Албатта, давлат етакчилигининг фикр-қараш, муносабати олимлар учун раҳбарий-методологик характерга эга бўлади. Тарихни ўз фойдасига бузиб кўрсатган бу китобларга эргашган муаррих олимлар янада давом этиб, биз энг қадим миллатмиз, давлатчилигимиз тарихига 9 минг йил бўлди, деган даъволарни майдонга ташладилар. Бундай китобларда «Берунийнинг асл исми Беруний эмас, Бўри эди», «Бизнинг миллатдан бўлган Амир Темур яна миллатдошимиз Ахмад Ясавий турбати узра макбара қурдирган», «Бизнинг тил – Худонинг тили»... сингари алжирашлар бисёр.

Буларни келтиришдан мақсад – айб очиб эмас, «тарих», «илм» либосини ёпинган манфур улғумиллатчилик, шовинизмини кўрсатиш, холос.

Амир Темур ва Бобур ўзбек эмас, биздан, деб торқилаётган туркман орқадослардан, Марказий Осийнинг ўтмиши – асосан Алашўрда тарихдан иборат, деб уқтираётган қозоқ тарихчиларидан, тожик уқтириш, ўзбегу қорақалпоқ олимларининг шу қабилдаги эҳтиросли даъволаридан мисол келтираверадиган бўлсак, гап кўпаяди, холос. «Алоҳида»лик даъво қилинган манбалар қўлимизда анчагина бор, бироқ биз ўзбекона андиша боис уларни мисол келтириб ўтирмаймиз. Афсусланирлик, бундай асарлардан мактаб, олий ўқув юрталари дарслик ва ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланил-

япти. «Бу минтақадан биз энг улғу миллатмиз», деган даъво билан ёзилган тарихлар болаларга уқтириляпти. Марказий Осийда неча ўн миллион мактаб ўқувчиси, неча юз минг талаба шундай «кашфиёт»ларни ўқийпти, онгу шуурига шу рух жо этиляпти. «Янги» тарихларни ўқиб-ўрганган, шу руҳда тарбия топган болаларнинг олди хо-зири қирқ ёшда: жамият ўзагини ташкил қилади. Биз эса, масалан, қўшни давлатда бўлиб турган кишиларга нодўстона муносабат (масалан, милиция ходимлари томонидан) қандай пайдо бўлганини била олмай, ажабланиамиз. Уларни шундай ишончсизлик, бошқа эл вакилларини менсимаслик руҳида ўзимиз тарбияладик, ахир.

Албатта, бундай «тарих»лар мамлакатларни, халқларни бир-бирига дўстлаштиришга эмас, унинг зиддига хизмат қилади. Илмий жиҳатдан қусури шуки, бу «тарих»лар бир-бирини инкор қилади.

Истиклолга эришганимизга ўттиз уч йилдан ошди, аммо озодлик, ҳурлик эйфорияси бизларни ҳали ҳам тарқ этмади. Байроқ силкитиб, шиор айтиб ҳайқиришлар давом этаётди. Афсус, боиядга шовинистик тарих дарсликлари пайдо бўлишида ура-урачиликнинг таъсири катта.

Башариятнинг келажаги интеграциялашувда, глобаллашувда экани бугун барчага аён. Биз бу ҳаракатга, аввало, Марказий Осий халқлари умумийлигини жадаллатиш орқали қўшилсак, энг тўғри йўлдан борган бўламиз. Унинг бирламчи шарти – тарихга муносабатни муштарак ҳолга келтириб, консенсусга эришиш бўлади. Марказий Осий халқларининг энг қадимий даврлардан бугунги кунга қадарлик бир бутун тарихини яратиш олимлар олдида турган энг долзарб, энг масъулятли, энг улғувор вазифа қилиб қўйилса, бугунги ҳукуматлар эса яна

Нуктаи назар

аввалгилар каби «миллат буюклиги тарихи»ни ёзишдан ўзларини тийиб, унинг ўрнига, сиёсий ирода кучи билан ҳар бир мамлакатдан тегишли миқдорда танлаб олинган олимлар олдида халқларимиз орасидаги теран қардошлик алоқалари инкишоф этилган яхлит бир тарихни яқин икки-уч йил муддатда барпо этиш вазифасини қўя билишлари, янги тарих ёзиш жараёнининг молиявий ва техник жиҳатларини таъминлаб, ҳар хил дунёқарашли, ўжар ва «принципиал» тарихчиларни ягона мақсад йўлида бирлаштириб, Марказий Осийнинг умумий тарихини яратишга эришишлари керак бўлади.

Бусиз дўстлик тараннум этилган бадий асарлар қанча ёзилмасин, миллий-маданий марказлару дўстлик жамиятлари нақадар жон қойиб ишламасин, буларнинг бари расмийят учун, ҳўжақўрсинга бўлиб қолаверади.

«Биз энг қадимги элмиз, демакки, энг улғумиз, бошқалар бизга доимо таъзимда бўлиши керак» қабилдаги даъволарни, ғояларни ишлаб чиққан ва пировардида, бундай чўпчакларига ўзлари ҳам ишониб қолган «олим»ларни беъмани «ҳақиқат»ларидан воз кечтири олиш – бунда энг мушкул ишдир. Қадимийлик ҳеч қандай афзаллик бермайди, бунинг устига, бошқа элларнинг аждодлари ҳам тарихда уларнинг бобаклонлари билан бирга яшашган, аммо урушлар, ассимиляцияланиш сабабли улуснинг номи – этноними ўзгарган, холос. Ҳеч бир халқнинг аждодлари бошқаларнинг аждодларидан бир неча минг йил кейин пайдо бўлмагани ҳар бир оқил одамга аён.

Шунинг учун тарих воқеликларини ўзга улуслар ҳамиятига теғмайдиغان, миллатлараро дўстлик ва биродарлик туйғуларига шикаст етказмайдиган қилиб ёритиш, тарихий ўтмишни фақат ўзи эли манфаатлари нуктаи назаридан баҳолашга одаланган ўта миллатчи муаррихларни бу ишга жалб этмаслик, пировардида эса маъқулланган тарих дарсликларини ниғиллистлар «тафтиш» қилишларига йўл қўймаслик даркор.

Ахир, сўнги юз йилнинг нарисиди ҳеч бир тарихий воқеа бугунги бир республика ҳудудида ўз берган эмас, демак, тарихчилар уларни ёритишни асосида «худудий чекла-ниш»га зарурат қолмайди. Ана ўшанда, масалан, «Лой жанги» каби воқеалар ўрнига аҳамиятлроқ воқеалар ёритилиши.

Марказий Осий давлатларининг тарихчи олимларини зарур ва эзгу ишга жалб этиш учун сиёсий ирода ишга солиниши даркор.

Пировардида, юқоридagi гапни яна мухтабар қилиб таққорлаб ўтамиз: хо-зири Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон мактаблари, олий ўқув юрталарида ўқитиладиган «тарих»лар болаларга қўшни халқларга, уларнинг вакилларига нисбатан хайрхоҳлик, дўстлик туйғусини уйғотмайди. Чунки ақсар дарслик ва монографиялар улғумиллатчилик, ўзгаларга паст назар билан қараш руҳида яратилган.

Таълим тарзи ўнганмас экан, маърифат соҳасида оқсад давом этаверади. Худди шу каби тарих тўғри ва оқилона талкин қилин-маса, миллатлараро дўстлик, тотувлик деганларни юзакли бўлиб қолаверади. Ўзаро учрашувлардаги ширин сўзлар самимий эмас, қалбаки бўлиб чиқади.

Халқаро майдонда айнан шуну маъқуллаётган кучлар бор. Уларга бизи бирлашмасак, ахил-иноқ бўлмасак, гоҳ-гоҳида гижиллаш турсак, яхши. Буни биламиз, аммо пайқаймай, кўрмай, деб кўзларимизни юмиб олганмиз.

Хушёр бўл, то фоний улм кечади, Тезрангда турфа хил тошлар уцади, – деб ёзган энди Абдулла Орипов. Неажаб, сиебат қархи шундай айланар экан. Хушёр бўлайлик...

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ,
адабиётшунос

ЭНГ МАҚБУЛ МАҚСАД

Давлат ва жамият бошқаруви мураккаб жараён бўлиб, уни ташкил этиш ва бошқаришнинг турли хил моделлари, бошқаруш шакллари ҳамда йўллари ишлаб чиқилган. Инсоният томонидан минг йиллар давомида «тараққийпарвар давлат», «идеал жамият» барпо этиш ғояси илгари сурилган. Шу асосда ўтган асрдан бошлаб жаҳон амалиётда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ташкил этиш бўйича амалиёт бир неча давлатлар тажрибасида қўлланилиб, ўз самарасини берди. Бугунги кунда эса ўз суверенитетига эга бўлган кўпгина мамлакатлар учун бундай йўл энг мақбул мақсадга айланди. Натижада кўплав давлатлар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш асосида юқори тараққий сари одимламоқда.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик кадрятлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланмоқда. Фуқароларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, ижтимоий, иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда. Жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга қўмақлаштириш билан бирга, давлат ва жамият бошқарувида муносив иштирок этмоқда. Буни «Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси», «Нуруний» жамғармаси, Ёшлар ишлари агентлиги ва шу сингари кўплав ташкилотлар мисолида асослаш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 26 августдаги «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мазкур йўналишдаги ишларни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариши, шубҳасиз. Негаки, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир бундай ҳужжат аввал қабул қилинмаган.

Фармон билан фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича стратегия тасдиқланди, десак, ҳар тарафлама тўғри бўлади. Яъни, фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг олтига энг муҳим йўналиши ҳамда уларнинг қай тартибда амалга оширилиши белгилан берилмоқда.

Давлат ва жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари фаолигини янада ошириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва гуманитар соҳаларни ривожлантиришда уларнинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш белгиланмоқда.

Юртимизда қабул қилинаётган қонун, фармон, қарор ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамоатчилик билан бамаълаҳат қабул қилиниши, керак бўлса, жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш тизими жорий қилинди. Бу, ўз навбатида, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг халқ манфаатларига асосланган ҳолда қабул қилинишига замин яратади.

Фармон билан Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раисига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари (комиссиялари) мажлисларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакили сифатида иштирок этиш ҳуқуқи, шунингдек, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини жорий қилиш, уларни амалиётга тўғри қўллаш юзасидан тақлифлар киритиш ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқи ва манфаатларини ифода этиш вақолати берилмоқда.

Мазкур амалиётнинг жорий этилиши, юқорида айтиб ўтганимиздек, жамоатчилик назоратининг мақбул шакллари билан бири – жамоатчилик экспертизасининг соҳавий йўналишлар бўйича амалга оширилиши ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ижтимоий шерикликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Жамият манфаатлари ва аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларини қўзғалган, жойларда сақланиб қолаётган долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташаббусларни рўёбга чиқаришга қўмақлаштириш борасида ҳам қатор қўлайликлар белгиланмоқда.

Яъни, энди фуқаролик жамияти институтлари тегишли соҳа ва тармоқларда мавжуд муаммоларнинг таъсирчан ечимини назарда тутувчи ташаббусли лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ижтимоий бюрутмасини олиш тўғрисида манфаатдор давлат органига тақлифлар киритиш ҳуқуқи эга бўлади. Ўз навбатида, уларнинг ташаббусли лойиҳалари белгиланган тартибга мувофиқ тегишли давлат органи ҳузуридан жамиятчилик кенгаши томонидан ижобий баҳоланган тақдирда, унинг ташаббускорига давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараварига қадар миқдорда тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли билан ижтимоий бюрутма берилиши мумкинлиги белгилан қўйилмоқда.

Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш учинчи асосий йўналиш сифа-

тида белгиланиб, унга кўра, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан соҳавий ва худудий фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан ҳар йили камида бир мартаба очик мулоқотлар ўтказилиши, вазирлик ва идораларга ҳар йили фуқаролик жамияти институтлари бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижтимоий бюрутма бериш бўйича танловлар ташкил этиш мажбурияти оқланмоқда.

Қайд этиб ўтиш керакки, мамлакатимизда «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилига мос ҳолда изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Масалан, юртимиз тарихида биринчи мартаба 2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун Давлат бюджетидан сўнги етти йилда 718 миллиард сўм ажратилди. Кейинги 3 йилда худудий фондлар орқали 83 миллиард сўмлик 1600 та лойиҳа амалга оширилди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида Ногиронлар жамияти, Карлар жамияти, Кўзи ожизлар жамияти, Ногиронлар ассоциацияси, уларнинг 500 га яқин тизим ташкилотлари тўлиқ давлат ҳомийлигига олинди. Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудда «Нодавлат нотижорат ташкилотлар уйлари» ташкил этилди.

Фуқаролик жамияти институтлари ислохотларнинг энг яқин ҳамқорига айланди, ҳар йили қабул қилинадиغان Давлат дастурларининг 350 та банди ижросида нодавлат нотижорат ташкилотлар бевосита иштирок этди.

Бугун яратилаётган қўлай шароитлар натижасида фуқаролар ҳуқуқини, демократик кадрятларни ҳимоя қилиш, таълим, тиббиёт, маданият ва бошқа соҳаларда қарийб 10 мингта нодавлат нотижорат ташкилот эркин фаолият юритмоқда, уларда 70 мингга яқин инсон меҳнат қилмоқда.

Шарҳ



ФАСЛЛАР ДОНИШМАНДИ

Эссе
...Яқиндагина эди бутун борлик яшилликка бурканиб, яшнаб тургани...

Хаёт чархпалаги тинимсиз айланаётгани ҳеч хаёлимизга келмайди. Дарахларнинг олтин тус олган япроги чирт-чирт узилиб, ўз қўшиғини куйлагани холда, охишта ерга қўнаётгани ҳар кимнинг ҳам эътиборини тортавермайди.

Хаёт чархпалаги тинимсиз айланаётгани ҳеч хаёлимизга келмайди. Дарахларнинг олтин тус олган япроги чирт-чирт узилиб, ўз қўшиғини куйлагани холда, охишта ерга қўнаётгани ҳар кимнинг ҳам эътиборини тортавермайди.

Хаёт чархпалаги тинимсиз айланаётгани ҳеч хаёлимизга келмайди. Дарахларнинг олтин тус олган япроги чирт-чирт узилиб, ўз қўшиғини куйлагани холда, охишта ерга қўнаётгани ҳар кимнинг ҳам эътиборини тортавермайди.

Хаёт чархпалаги тинимсиз айланаётгани ҳеч хаёлимизга келмайди. Дарахларнинг олтин тус олган япроги чирт-чирт узилиб, ўз қўшиғини куйлагани холда, охишта ерга қўнаётгани ҳар кимнинг ҳам эътиборини тортавермайди.

Хаёт чархпалаги тинимсиз айланаётгани ҳеч хаёлимизга келмайди. Дарахларнинг олтин тус олган япроги чирт-чирт узилиб, ўз қўшиғини куйлагани холда, охишта ерга қўнаётгани ҳар кимнинг ҳам эътиборини тортавермайди.

Хаёт чархпалаги тинимсиз айланаётгани ҳеч хаёлимизга келмайди. Дарахларнинг олтин тус олган япроги чирт-чирт узилиб, ўз қўшиғини куйлагани холда, охишта ерга қўнаётгани ҳар кимнинг ҳам эътиборини тортавермайди.

Хаёт чархпалаги тинимсиз айланаётгани ҳеч хаёлимизга келмайди. Дарахларнинг олтин тус олган япроги чирт-чирт узилиб, ўз қўшиғини куйлагани холда, охишта ерга қўнаётгани ҳар кимнинг ҳам эътиборини тортавермайди.

Хаёт чархпалаги тинимсиз айланаётгани ҳеч хаёлимизга келмайди. Дарахларнинг олтин тус олган япроги чирт-чирт узилиб, ўз қўшиғини куйлагани холда, охишта ерга қўнаётгани ҳар кимнинг ҳам эътиборини тортавермайди.

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан Тошпулатов Асадбек Абров угли номига берилган С №0144368 рақамли битимга...

Янгийул тумани Мудофаа бўлими томонидан Паттабоев Абдунаби Абдугапарович номига АДРда харбий хизматни ўтаганлиги учун берилган А №610462 рақамли имтиёзлар тўғрисидаги...

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА НИМАЛАРНИ УНУТДИК?

«Ўзингдан катталарга салом бер». «Устозларингга гап қайтарма». «Ҳар жойга чиқинди ташлама». «Автобуста чиққанда, катталарга жой бер». «Ўртоқларинг билан жанжаллашма». «Дарсингни вақтида тайёрла...» ва ҳоказо. Уйда ёши катталар бу гапларни болагимиздан қўлғимизга қуйишган. Аммо ҳамма даврнинг катталар гапига қўлоқ соладиган мўмин-қобил, одобли ёшлари билан бирга «қўлоқсиз», «бузғунчи» ёшлари ҳам бўлади. Ҳўш, бу одатлар ёшларда қандай шаклланади? Келинг, бу ҳақда фикр юритишни болалар тарбиясида ким ёки нима муҳимлигидан бошлаймиз.

БАРЧАСИ ОИЛАДАН БОШЛАНДИ

Боланинг тарбияси, дунёқараши оила муҳтида шаклланади. Мактабда, лицейда, техникумда, олий ўқув юртида эса болага таълим берилади. Масалан, мактабда ўқитувчи 45 дақиқа давомида ўқувчиларни йўқлама қилади, ўтилган мавзунни сўраб баҳолайди, янги дарсни тушунтириб, уйга вазифа беради. Бу жараёнда ўқитувчи тарбия ҳақида 5 дақиқа ё тўхталади ёки йўқ. Профессинал ва олий таълимда бу ҳақда гапирмас ҳам бўлади. Шу боис бу даргоҳларда бериладиган тарбия ва маҳалла аҳлидан олинган ибрат оилада берилган тарбияга фақат қўшимча бўлиши мумкин.

30 йилдан буён бошланғич синф ўқувчиларига дарс бераман, - дейди ургутлик фахрий ўқитувчи Муродилла Эшонқулов. - Болалар мактабга «суяга қотган» ҳолда келади. Чунки дастлабки тарбия оилада бери бўлилади. Дарс вақтида, ўқувчиларнинг юрши-туриши ва ўзини тутishi жараёнларида эса ким қандай тарбия қўргани ойдинлашиб қолади. Ростки, ҳозир фарзанднинг келажаги ҳақида қайғурадиган ота-оналар қамайиб бормоқда. Жумладан, мактабда ўтказиладиган ота-оналар йиғилишларида аксарият ҳолларда ўқувчиларнинг қариндошлари келади ва ота-онани ишдалиши айтади. Фарзанднинг келажаги учун қайғурмаган, унга вақт ажратмаган ота-она келгусида ундан пуч орзуларни кутади, холос. Аксинча, қайсидир ота-она оиласида яхши амаллари билан фарзандига ўрнак бўлса, уни ҳам шунга ўргатса, келажакда, албатта, роҳатини кўради ва бу таллимда ҳам бўй кўрсатади.

ОДАМ ВА МАЙМУН

Бугунги кунда турли гаджет ва мобил алоқа воситалари ёшларга иккинчи тарбиячи вазифасини бажармоқда. Бунга эса ота-оналарнинг ўзи сабабчи бўляпти. Ҳозир икки ёшга тўлмаган бола ҳам телефон нималигини, қандай вазифа бажаришини билади. Чунки уйда ёши катталар телефон ишлатишни болаларга ўргатган ва ўша жараёндаги ҳаракатларни ўрлаштираган. Табиийки, ёш бола кўр-

ган нарсасини бажаришга уринади. Бундай вазиятда кўпчилик ота-оналар боласидан хурсанд бўлиб, болага телефондан фойдаланишга кўпроқ имконият яратиб бермоқда, йиғласа ҳам телефондаги кизиқарли нарсалар билан увутяпти. Оқибатда, XXI аср боласи мобил қурилмаларга ўрганиб қолмоқда. Қарабсизки, бу одатлар шаклланиб, болалар мактаб ёшига етгунга қадар виртуал олам ва унинг имкониятларидан фойдаланишни ўрганиб олмоқда. Айниқса, кейинги пайтда оммалашиб бораётган тотализатор ўйинлар, турли кўнгилочлар дастурлар муҳлиси ва иштирокчисига айланмоқда. Энг ёмони, мобил қурилмалар тарқатаётган радиация нурули орқали турли касалликларга чалин्याпти, бузғунчи ғоялар таъсирга тушиб, дунёқараши ҳам ўзгарапти. 1930 йилда Уинтроп Келлог психологлар оиласи янги тўғилган маймуннинг боласини ўзларини Доналда исмли фарзанди билан бирга тарбияламоқчи бўлишди. Мақсад, маймунни тарбиялаб, одам қилиш эди. Бироз вақт ўтиб, ёш оила маймундан воз кечади, сабаби, уларнинг фарзанди ўзини худди маймунлардек тутта бошлаган эди.

Ҳозирги ахборот технологиялари асрида бундай қурилмалар ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб бўлган ва улардан воз кечиб бўлмайди. Лекин ҳар бир ота-она фарзандига бундай воситалардан фойдаланишни чеклаши, уларнинг тарбиясига ким ва нима таъсир кўрсатаётганини назоратга олиши ҳамда ҳар жабҳада фарзандига ўрнак бўлиши керак. Акс ҳолда, бола маймунларга ўхшаб қолиши ҳеч гап эмас.

НУРОНИЙЛАР ҲАЁТИ ЁШЛАРГА ЎРНАК

Биласизми, фақат юртимизда бир болага ота-онасидан ташқари бобо-бувиси, қариндошлар, ҳатто, кўни-кўшниллар ҳам масъул экан. Яъни, ўрни келганда, тарбияни улар ҳам бераверади. Чет элда эса мутлақо бунинг акси.

Эътибор берган бўлсангиз, аксарият ота-она ишда ёки уй-рўзгор юмушлари билан банд бўлиб, фарзанд тарбиясига кам вақт ажратади ва болаларнинг тарбияси билан бобо-буви-



лари шўғулланади. Эсимда, ёшлигимдан бобом ва бувимнинг эртақлари, ўғитларини эшитиб катта бўлганман. Ҳозир эса ота-онам фарзандимга ана шундай панд-насихатлар бераётганини кўраман.

Бизда аждодлар ва авлодлар ўртасидаги кўприк - бу миллий қадриятлар, анъаналардир. Буни ёшлар онгига синдириш, ҳар томонлама баркамол, соғлом авлодни вояга етказишда нурунийларнинг ўрни беқиёс. Жамиятда ёши улўғ инсонлар қўлида тарбия қўрган ҳар қандай боланинг дунёқараши кенг бўлади, Ватанининг, оиланинг қадрига етади, урф-одат ва қадриятларимизни ҳурмат қилади. Асосийси, ҳаётда ўз ўрнини тез топади.

ТАРБИЯДАГИ АСОСИЙ УСТУН

Кейинги вақтларда эр-хотин ўртасидаги ўзаро келишмовчилик очикчасига ўз фарзандларига зиён етказиш, ҳатто уларни ўлдиршигача бориш ҳолатлари билан туғамоқда. Бунинг жабрини эса бегуноҳ норасидалар тортаяпти.

Оилавий низолар ёки ота-оналарнинг фарзандига вақтида эътибор бермагани боис тарбиясида нуқсонлар кўп учрамоқда, - дейди психолог Сарвиноз Носирова. - Чунки кейинги пайтда психолог ва руҳшу-

носларга айнан шундай мурожаатлар кўп тушмоқда. Бундай вазиятда болаларда руҳий зуриқиш вужудга келяпти ва болалар ўз уйдан, ота-онасидан безиб борапти. Оқибатда, руҳий касалликларга чалиниш, алам устида кўнгилисиз ҳодисаларга қўл уриш кузатишмоқда.

Аксарият ҳолларда ёшларнинг ҳаёт қуришга тажрибасизлиги, яъни эрта турмуш ва уларни ҳаётга тайёрлашда камчиликларга йўл қўйиладигани ана шундай кўнгилисизликларни келтириб чиқармоқда. Бунинг устига, оила қурғач, бола тарбиясига етарлича эътибор берилмаяпти. Қизиқиши, истаклари қўллаб-қувватланмаяпти ва оқибатда, бола умидсизликка тушиб, ўзига бўлган ишончи сўняпти. Бундай вазиятга тушиб қолган болалар асосан ижтимоий тармоқларда вақт ўтказиш орқали ўзини овутади, кимларгадир ўхшашга, машғуриликка ҳаракат қилади ёки дўстлари орасида энг зўри бўлишга интилади. Ҳамма нарсаларга осон эришишини йўлларини излайди. Афсуски, бу йўл навиҳолларни турли оқимлар домига тортиб, хароб қилмоқда.

Яна бир тоифа ота-оналар борки, фарзандини ҳаддан зиёд эрка қилиб ўстиради, айтган нарсасини муҳайё қилади. Лекин уни назоратга олмайди ва бола келгусида қўнглига келган ишни қилади. Бу йўл ҳам ёшларни боши берк кўчага етаклайди.

Ёшларнинг тарбияси ҳақида гап кетганда, катталарнинг «Эҳ-ҳе, бизнинг давримизда...» деб бошланадиган хотиралари «Ҳозирги ёшлар бузилиб кетгани» ҳақидаги афсус-надоматлар билан тугайди. Аслида эса «ёшларнинг бузилмаслиги» жамиятда катталар ўрнатган тартиб-қоидаларга қанчалик амал қилинётгани билан белгиланади. Оилада бола соғлом фикр билан тарбияланса, доим назоратда бўлса, ёшлигидан меҳнат қилишга, мустақил яшашга ўргатилса, тарбияси бузилмайди.

Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ, журналист



ҚОДИР ЧАВАНДОЗНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Сизга айттарларимизни оқизмай-томизмай гапириб берган Қодир чавандоз юз ёш билан юзлашиб ўтган авазсойлик эди. Шу бованинг уйида эсимни билганидан буён от кишайди. Йил - ўн икки ой от айвонида чирок ёнади. Чавандоз отга чиниминан ошиқ эди. Ошиқнинг олди, зўри эди.

Авазсойнинг Оқтепа қишлоғида Султон бобо деган бир дангал, жўмард отбоз ўтган. Кексайганида Дунаш лақабли жийрон отга кўнгли қўйиб, сирдош, йўлдош бўлган. Ўзи емаганини шу отга едирган. Гўшга олиш навбати шу отга келиб, «катталар» сомон ташинишга мўлжал қилинган кажавали машинани нақ дарвозасига тираб, «отни ортасан», деб туриб олишганида, мен ҳам иттифоқо шу ерда эдим.

Султон бобо у деди, кўнишмади, бу деди, қўлоқ солишмади. Ҳар қанча айтган сўзига пинак бузишмади, аксини қилиб, «Бир отга шунчами, оқсоқол одамсиз», деган аврашларга ўтишгач, алами олти бўлиб, «катталар»нинг бирини четроқ тортиб, бир муддат тицирлаб гаплашди. Сўнг бирдан қўлини силтаб, тошиб кетди ва зардаланиб:

«Эй, барингди... Бўлмаса, бўлувсиз қолсан, - деди-да, хов нарида турган отни синиқ товушда, хуштак билан қақирди. От ёлларини силкиллашиб, эркаланиб, кўз очиб юмгунча етиб келди, бошини эгасининг елкасига қўйиб, бир-бир нафас олиб турди.

«Катталар» нўхтасидан олмоқчи бўлди, ушлатмади. Ҳайдамоқчи бўлди, пешлатмади... Икки кўзи эгада. Султон бобо энди бўшашган эди. Ҳеч нарса

Олисласган садолар

билмагандай, отга ширин ишора қилиб, деди: - Чик...

От машинага бир ҳамлада «попиб чиқишга чиқди-да, зум ўнгарилиб, Султон бобога кўзи тешгудай тикилди. От ниманидир сезар, безовталанар, эгасидан «сақра» ишорасини кутарди. Буни пайқаганлар дарҳол кажаванинг эшигини беркитти. От ҳам, Султон бобо ҳам айрилиқ ишорасини сезиб, тинчлар кетганди.

Султон бобо оғир жуссали эди. Суяниб турган учқат хассасига ўмганини ташлаб, шими чўнтагидан нимадир оларман бўлди. Гавдасини ўнгаролмай, қалкиб кетганида, қўлидан бир бўлак оқ қанд ерга тушди. Уни қафти билан пайпаслаб топди-да, отга қараб, томоғига нимадир тикилгандай, махзунгина: - Дунаш! - деди.

Икки кўзини эгасидан узмай турган от бир сакрашда чамбаракдан ошиб тушди. Султон бобо отни кучоқлади, от Султон бобога суйқалди... Пича туришгач, Султон бобо кўзёши оқиб ташаётган лаби билан куй қалди... От аввалида диқир-диқир ўйнади, сўнг шашти пасаийиб, кўзи ёшга тўлди. Султон бобо лабини хуштак қилиб чала-чала йиғлади, от ўйнай-ўйнай йиғлади...

Инсон билан от видолашувини ҳеч ким ҳам кўтаролмади-ёв. Кўзига ёш келган, келмагани ажратар холда эмасдим, ўзим ҳам беихтиёр қўшилиб йиғлардим.

Аммо «катталар»дан шафқат бўлмади. Шу зайл Дунаш гўштга кетди...

«Оққан ариқ оқади», деганлари рост экан. Авазсой отсиз қолмади. Йўли топилиб, от ҳам қилинган, кўпқари ҳам чопилди. Ёшларга кўнгли бериб, тасалли билан от туттирган, чоптирган оқсоқолнинг пеши Қодир чавандоз бўлди, десам, ғараз чиқмасов. Навбати билан «От ўрнини той босиб», янги чавандозлар тилга тушди. Бирини ёзсам, қолган бири ўпқалар, алқисса, ёшлар майдонни тўлдирди. Майдон эгасиз, дашт отсиз қолмади...

Ана шундай. Отдан эшитса ёки айтса, ошиб-тошиб кетар гурунларнинг кўпини эшитганман. Анчасини саришталаб ёздам ҳам, газета-журналларда ўқиганингиз бордир. Ҳали бир китоблик эшитганларим, ёзар гапларим бор. Шулардан бир шинглини сизга илдиним.

Суюндик Мустафо НУРОТОЙ

MYACCCIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. ISSN 2010-5009. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

- Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIHIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari).

Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARENYAK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43, Marketing va obuna - (71) 256-87-73

- Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23, Bukuro viloyati - (+998-99) 889-90-31, Navoiy viloyati - (+998-99) 500-05-12, Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati - (+998-99) 889-98-02, Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati - (+998-99) 379-19-70, Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati - (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: J. Nahanov

Musahhirlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti - 23:20, Topshirildi - 23:40

Bahosi kishilagan narxda

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Bukuro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 021 ta

Shundan: 7 139 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 083 nusxasi «Erudit» MCHJ boshmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

8 799 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ boshmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-1011

1 2 3 4 5 6